

Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилмоқда



Маълумки, кейинги йилларда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-куватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Термиз тумани «Инсон» ижтимоий хизматлари маркази томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Марказ томонидан туман аҳолисига 49 турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

Жумладан, 17 нафар ногиронлиги бўлган шахслар учун 2023-2024 йилнинг шу даврига қадар 20 та протез-ортопедия мосламалари ажратилди.

Шунингдек, 120 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар реабилитация қилиш техник воситалари билан таъминланди. 10 ёшдан 35 ёшгacha ногиронлиги бўлган 26 нафар фуқаролар спорт тўгаракларига йўналтириш чоралари кўрилди.